

ISSN: 2181-1040
DOI: 10.26739/2181-1040
tadqiqot.uz/renaissance



JCAR

**JOURNAL OF CENTRAL
ASIAN RENAISSANCE**



VOLUME 5 | **2024**
ISSUE 1

МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ЖУРНАЛИ

ЖИЛД 5, СОН 1

ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ
ТОМ 5, НОМЕР 1

JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE
VOLUME 5, ISSUE 1



Бош муҳаррир:

МАДАЕВА ШАҲНОЗА ОМОНУЛЛАЕВНА

фалсафа фанлари доктори, профессор
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:

ЮСУПОВА ДИЛДОРА ДИЛШАТОВНА

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

Бош муҳаррир ўринбосари:

ХОЖИЕВ ТУНИС НУРКОСИМОВИЧ

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕСАНСИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ЖУРНАЛИ ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ

МАДЖИДОВ ИНОМ УРУШЕВИЧ

Ўзбекистон Миллий университети ректори,
профессор (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ АКБАР АБДУЛЛАЕВИЧ

Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Бадий академияси академиги, санъатшунослик фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

МАРИАННА КАМП РУТЦ

Индиана университети ЕвроОсиё тадқиқотлари маркази профессори, тарих фанлари доктори (АҚШ)

ЖЎРАЕВ НАРЗУЛЛА ҚОСИМОВИЧ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети профессори, сиёсий фанлар доктори (Ўзбекистон)

МАХМУДОВА ГУЛИ ТИЛАБОВНА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги “Фалсафа” илмий марказ раҳбари, фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

ИСЛОМОВ ЗОҲИДЖОН МАҲМУДОВИЧ

Ўзбекистон Халқаро ислом академияси илмий ва инновация ишлари бўйича проректори, филология фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

КЛЭР РООСИЕН

Йел университети Славян тиллари ва адабиётлари кафедраси PhD доктори (АҚШ)

АНТонио АЛОНСО МАРКОС

Сан Пабло номидаги СЕУ университети профессори (Испания)

ШИРИНОВА РАИМА ҲАКИМОВНА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети халқаро ишлар бўйича проректори, филология фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

КАРИМОВ ЭЛЁР ЭРИКОВИЧ

Хофстра университети профессори, тарих фанлари доктори (АҚШ)

ГАБИТОВ ТУРСУН ХАФИЗОВИЧ

Ал Форобий номидаги Қозоғистон Миллий университети профессори, фалсафа фанлари доктори (Қозоғистон)

ЮЛДАШЕВА ФАРИДА ХЎЖАМҚУЛОВНА

Андижон давлат университети “Фалсафа” кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор. (Ўзбекистон)

МИРЗАХМЕДОВ АБДИРАШИД МАМАСИДИКОВИЧ

Наманган муҳандислик-технология институти профессори, фалсафа фанлари доктори (Ўзбекистон)

САФАРОВА НИГОРА ОЛИМОВНА

Навоий давлат педагогика институти фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

ИНАКОВ КОМИЛЖОН ҚОДИРЖОНОВИЧ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

ТОШОВ ХУРШИД ИЛХОМОВИЧ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

ДЖЎРАЕВА НИГОРА АВАЗОВНА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доц.в.б., фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

МИРЗАХМЕДОВ ХУРШИД АБДИРАШИДОВИЧ

Наманган давлат университети в.б. доценти, социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ АКМАЛ ШАРОФОВИЧ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

РЎЗИБОВЕВ ДОСТОНБЕК ДИЛМУРОД ЎҒЛИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети PhD докторанти (Ўзбекистон)

Дизайн-саҳифаловчи: @tadqiqotdesign

КОНТАКТ РЕДАКЦИЙ ЖУРНАЛОВ. WWW.TADQIQOT.UZ

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

EDITORIAL STAFF OF THE JOURNALS OF WWW.TADQIQOT.UZ

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Главный редактор:

МАДАЕВА ШАХНОЗА АМАНУЛЛАЕВНА

доктор философских наук, профессор

Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Заместитель главного редактора:

ЮСУПОВА ДИЛЬДОРА ДИЛЬШАТОВНА

доктор философии (PhD), по философским наукам, доцент
Университета Общественной безопасности Республики Узбекистан

Заместитель главного редактора:

ХОДЖИЕВ ТУНИС НУРКОСИМОВИЧ

доктор философских наук (PhD), Национальный
университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

ЧЛЕНЫ РЕДКОЛЛЕГИИ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКОГО И СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКОГО ЖУРНАЛА РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

МАДЖИДОВ ИНОМ УРУШЕВИЧ

Ректор Национального университета Узбекистана,
профессор (Узбекистан)

ХАКИМОВ АКБАР АБДУЛЛАЕВИЧ

Академия наук Узбекистана,
академик Академии художеств Узбекистана,
доктор искусствоведения, профессор (Узбекистан)

МАРИАННА КАМП РУТЦ

профессор Центра Евразийских исследований
Университета Индианы, доктор исторических наук (США)

ДЖУРАЕВ НАРЗУЛЛА КАСИМОВИЧ

профессор Узбекского государственного университета
мировых языков, доктор политических наук (Узбекистан)

МАХМУДОВА ГУЛИ ТИЛАБОВНА

руководитель Научного центра «Философия» при
Национальном Университете Узбекистана имени Мирзо
Улугбека, доктор философских наук, профессор (Узбекистан)

ИСЛОМОВ ЗОХИДЖОН МАХМУДОВИЧ

проректор по научным исследованиям и инновациям
Международной исламской академии Узбекистана,
доктор филологических наук, профессор (Узбекистан)

КЛЭР РООСИЕН

PhD доктор кафедры
Славянских языков и литературы
Йельского университета (США)

АНТонио АЛОНСО МАРКОС

профессор Университета
CEU имени Сан Пабло (Испания)

ШИРИНОВА РАИМА ХАКИМОВНА

проректор по международным связям
Национального Университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека, доктор филологических наук,
профессор (Узбекистан)

КАРИМОВ ЭЛЁР ЭРИКОВИЧ

профессор Университета Хофстра,
доктор исторических наук (США)

ГАБИТОВ ТУРСУН ХАФИЗОВИЧ

профессор кафедры религиоведения и культурологии
Казахского Национального Университета имени Аль-Фараби,
доктор философских наук (Казахстан)

ЮЛДАШЕВА ФАРИДА ХОДЖАМКУЛОВНА

заведующая кафедрой «Философия» Андижанского
государственного университета, кандидат
философских наук, профессор. (Узбекистан)

МИРЗАХМЕДОВ АБДИРАШИД МАМАСИДИКОВИЧ

профессор Наманганского инженерно-технологического
института, доктор философских наук (Узбекистан)

САФАРОВА НИГОРА ОЛИМОВНА

Навоийского государственного педагогического института,
доктор философских наук, профессор (Узбекистан)

ИНАКОВ КАМИЛЖОН КАДЫРЖАНОВИЧ

доцент Национального Университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека, доктор философии (PhD)
по педагогическим наукам (Узбекистан)

ТОШОВ ХУРШИД ИЛХОМОВИЧ

доцент Национального Университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека, доктор философии
по философским наукам (PhD) (Узбекистан)

ДЖУРАЕВА НИГОРА АВАЗОВНА

и.о. доцент Национального Университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека, доктор философии
по философским наукам (PhD) (Узбекистан)

МИРЗАХМЕДОВ ХУРШИД АБДИРАШИДОВИЧ

и.о. доцент Наманганского государственного университета,
доктора философии (PhD) по социологическим наукам
(Узбекистан)

ШУКУРОВ АКМАЛ ШАРОФОВИЧ

Национального Университета Узбекистана имени Мирзо
Улугбека, доктор философии по философским наукам (PhD)
(Узбекистан)

РЎЗИБОВЕВ ДОСТОНБЕК ДИЛМУРОД ЎҒЛИ

докторант кафедры Философии и логики Национального
Университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека (Узбекистан)

Дизайн-верстка: @tadqiqotdesign

КОНТАКТ РЕДАКЦИЙ ЖУРНАЛОВ. WWW.TADQIQOT.UZ

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

EDITORIAL STAFF OF THE JOURNALS OF WWW.TADQIQOT.UZ

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Chief Editor:

MADAEVA SHAKHNOZA AMANULLAEVNA

Doctor of Philosophical Sciences (DSc), Professor
The National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

Deputy Chief Editor:

YUSUPOVA DILDORA DILSHATOVNA

Doctor of Philosophy (PhD), in Philosophical Sciences,
Associate Professor of the University of Public Security
of the Republic of Uzbekistan

Deputy Chief Editor:

KHODZHIEV TUNIS NURKOSIMOVICH

Doctor of Philosophy (PhD), National University
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

MEMBERS OF THE EDITORIAL BOARD OF THE SCIENTIFIC-THEORETICAL AND SOCIO-PHILOSOPHICAL JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE

MADJIDOV INOM URUSHEVICH

Rector NUUZ, Professor (Uzbekistan)

KHAKIMOV AKBAR ABDULLAEVICH

Academy of Sciences of Uzbekistan,
Academician of the Academy of
Arts of Uzbekistan, Doctor of
Art History, Professor (Uzbekistan)

MARIANNE KAMP RUTZ

Professor of the Center for Eurasian Studies
at Indiana University, Doctor of History (USA)

DZHURAEV NARZULLA KASIMOVICH

Professor of the Uzbekistan State
University of World Languages,
Doctor of Political Sciences (Uzbekistan)

MAKHMUDOVA GULI TILABOVNA

Head of the Scientific Center "Philosophy"
at the National University of Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek, Doctor of
Philosophical Sciences, Professor (Uzbekistan)

ISLAMOV ZOHIDJON MAKHMUDOVICH

Vice-Rector for Research and Innovation of the
International Islamic Academy of Uzbekistan,
Doctor of Philological Sciences, Professor (Uzbekistan)

CLAIRE ROOSIEN

Department of Slavic Languages and Literature
of the Yale University, PhD (USA)

ANTONIO ALONSO MARCOS

Professor of the University of CEU
named after San Pablo (Spain)

SHIRINOVA RAIMA KHAKIMOVNA

Vice-Rector for International Affairs of the National
University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,
Doctor of Philological Sciences, Professor (Uzbekistan)

KARIMOV ELYOR ERIKOVICH

Professor of the Hofstra University,
Doctor of Historical Sciences (USA)

GABITOV TURSUN KHAFIZOVICH

Professor of the Al-Farabi Kazakh National University,
Doctor of Philosophical Sciences (Kazakhstan)

YULDASHEVA FARIDA KHOJAMKULOVNA

the head of the "Philosophy" department of Andijan
State University, DSc, professor. (Uzbekistan)

MIRZAKHMEDOV ABDIRASHID MAMASIDIKOVICH

Professor of the Namangan Institute of Engineering
and Technology, Doctor of Philosophical Sciences (Uzbekistan)

SAFAROVA NIGORA OLIMOVNA

the Nava'i State Pedagogical Institute, Doctor
of Philosophical Sciences, Professor (Uzbekistan)

INAKOV KOMILJON KODIRJONOVICH

Associate Professor of the National University
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,
Doctor of Philosophy (PhD) (Uzbekistan)

TOSHOV KHURSHID ILKHOMOVICH

Associate Professor of the National University
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,
Doctor of Philosophy (PhD) (Uzbekistan)

JURAEVA NIGORA AVAZOVNA

Associate Professor of the National University
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, (PhD) (Uzbekistan)

MIRZAKHMEDOV KHURSHID ABDIRASHIDOVICH

Acting Associate Professor of
Namangan State University, Doctor of Philosophy
(PhD) on Sociological Sciences (Uzbekistan)

SHUKUROV AKMAL SHAROFVICH

The National University of Uzbekistan named
after Mirzo Ulugbek, PhD (Uzbekistan)

RO'ZIBOEV DOSTONBEK DILMUROD O'G'LI

doctoral student of the National University of Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek, (Uzbekistan)

Design-pagemaker: @devdasdesign

КОНТАКТ РЕДАКЦИЙ ЖУРНАЛОВ. WWW.TADQIQOT.UZ

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

EDITORIAL STAFF OF THE JOURNALS OF WWW.TADQIQOT.UZ

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Мадаева Шахноза Омонуллаевна ИСТИБДОД АСРИНИНГ МАДАНИЙ КАПИТАЛИ ЁКИ САҚЛАНИБ ҚОЛИНГАН МИЛЛАТ ФЕНОМЕНИ (Профессор Ҳамидулла Акбаров асарлари асосидаги таҳлил).....	7
2. Файзиходжаева Дилбар Иргашевна ШАРҚ УЙҒОНИШ ДАВРИДА МАНТИҚ ИЛМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.....	13
3. Отаматов Музаффар Абдурашидович ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОНДАГИ ДИНИЙ КОНФЕССИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ.....	19
4. Kandov Bahodir Mirzayevich, Alimukhamedova Nodira Yadgarovna THE INTEGRATION OF THE RENEWING UZBEKISTAN INTO THE WORLD COMMUNITY AND GLOBAL ENVIRONMENTAL PROBLEMS.....	28
5. Djurayev Avaz Akhmedjanovich SOCIAL AND PHILOSOPHICAL PROBLEMS OF DIGITALIZATION PROCESSES IN UZBEKISTAN.....	36
6. Саитмуродов Жобиржон Боймурод ўғли ГЕГЕЛЬНИНГ ТАРИХ ФАЛСАФАСИДА ИНСОН МОҲИЯТИ ЭВОЛЮЦИЯСИ.....	43
7. Маматқулов Санжар Тошпўлатович ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ФАЛСАФАНИНГ ЎҚИТИЛИШИ: ТАРИХИЙ ДИСКУРС.....	51
8. Djurayeva Nigora Avazovna SYSTEM ANALYSIS OF PHILOSOPHICAL CATEGORIES “CIVILIZATION”, “CULTURE” IN THE CONTEXT OF THE PARADIGM OF SOCIAL EXISTENCE.....	59
9. Тошов Хуршид Илхомович ОНГНИ МАНИПУЛЯЦИЯЛАШ ШАКЛЛАРИНИНГ ЦИВИЛИЗАЦИОН ДАВРЛАРДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....	67
10. Шамсутдинова Нигина Каримовна СУФИЙСКАЯ СУЩНОСТЬ ПОНЯТИЯ “ДУША” В ВОЗЗРЕНИЯХ АБУ АЛИ ИБН СИНЫ.....	77
11. Zhang Lei SYSTEMATIC PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE MECHANISM OF THE "BELT AND ROAD" PROPOSED BY CHINA.....	83
12. Рўзибоев Достонбек Дилмурод ўғли ЭДВАРД САИД ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА “ОРИЕНТАЛИЗМ” АСАРИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ТАҲЛИЛИ.....	90
13. Гулямов Хуршид Жамшетович РАЗРАБОТКА ТРЕБОВАНИЙ К НАУЧНО-ПОНЯТИЙНОМУ АППАРАТУ «КАНОНА МЕДИЦИНСКОЙ НАУКИ».....	102
14. Норбоев Жавлон Акбарали ўғли МУҲЙИДДИН ИБН АЛ-АРАБИЙНИ ШАРҚ МУСУЛМОН ОЛАМИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА УНИНГ ФАЛСАФАСИНИ ЕВРОПАГА ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....	110


МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ
JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE

ISSN: 2181-1040
www.tadqiqot.uz

Тошов Хуршид Илхомович

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Ижтимоий фанлар факультети “Фалсафа ва мантик” кафедраси доценти, фалсафа
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**ОНГИ МАНИПУЛЯЦИЯЛАШ ШАКЛЛАРИНИНГ ЦИВИЛИЗАЦИОН
ДАВРЛАРДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ**

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.12170569>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада манипуляция феноменининг тарихий трансформацияси цивилизацион ёндашув асосида таҳлил қилинади. Шундан келиб чиққан ҳолда, у анъанавий жамият, индустриал жамият, постиндустриал жамият ҳамда ахборотлашган жамият тафаккури қонуниятлари асосида таҳлил қилинади. Қолаверса, фалсафий-тарихий таҳлил тадқиқот методига таянган ҳолда, манипуляция феноменининг тафаккур парадигмалари ўзгаришига мутаносиб равишдаги трансформацияси очиқ берилади. Бунда мифологик, диний, фалсафий каби илмий дунёқараш шакллари алмашинуви жараёни муҳим восита вазифасини бажарган.

Калит сўзлар: анъанавий жамият, саноатлашган жамият, ахборотлашган жамият, ҳокимият, дунёқараш, рационаллашиш, мафкура, анъана-маросимлар, хулқ-атвор моделлари.

Tashov Khurshid Ilkhomovich

National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Associate Professor of the «Philosophy and Logic»
Department of the Faculty of Social Sciences,
Doctor of Philosophy (PhD)

**TRANSFORMATION OF FORMS OF MIND MANIPULATION IN
CIVILIZATIONAL TIMES**

ABSTRACT

In this article, the historical transformation of the phenomenon of manipulation is analyzed based on the civilization approach. Based on this, it is analyzed based on the laws of thinking of traditional society, industrial society, post-industrial society and information society. In addition, based on the research method of philosophical-historical analysis, the transformation of the phenomenon of manipulation in proportion to the change of thinking paradigms is revealed. In this, the process of exchange of mythological, religious, and philosophical forms of scientific outlook served as an important tool.

Key words: traditional society, industrialized society, information society, power, worldview, rationalization, ideology, traditional rituals, behavioral models.

Тошов Хуршид Ильхомович

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Доцент кафедры «Философия и логика» факультета социальных наук,
доктор философских наук (PhD)

ТРАНСФОРМАЦИЯ ФОРМ МАНИПУЛИРОВАНИЯ РАЗУМОМ В ЦИВИЛИЗАЦИОННЫЕ ВРЕМЕНА

АННОТАЦИЯ

В данной статье на основе цивилизационного подхода анализируется историческая трансформация феномена манипуляции. Исходя из этого, он анализируется на основе законов мышления традиционного общества, индустриального общества, постиндустриального общества и информационного общества. Кроме того, на основе исследовательского метода философско-исторического анализа выявляется трансформация феномена манипуляции пропорционально смене парадигм мышления. Важным инструментом в этом служил процесс обмена мифологическими, религиозными и философскими формами научного мировоззрения.

Ключевые слова: традиционное общество, индустриальное общество, информационное общество, власть, мировоззрение, рационализация, идеология, традиционные ритуалы, поведенческие модели.

Кириш ва мавзунинг долзарблиги. Маълумки, ижтимоий-фалсафий фанлар доирасида тарихийлик тамойили ҳамда манипуляциянинг структурал, функционал тахлили ўзаро боғлиқ тарзда ўрганилади. Инсоният тарихининг турли даврларида манипуляциянинг пайдо бўлиш ва ривожланиш жараёни тахлил этиш унинг кўпгина ўзига хос жиҳатлари ва намоён бўлиш қонуниятларини очиб беришга имкон яратади. Зотан, манипуляция феноменини унинг ҳокимият ва эркинлик тушунчалари билан ўзаро боғлиқлик тарихини билмай туриб, унинг турли жамиятларда намоён бўлиш хусусиятларини тасаввур этиш мумкин эмас.

Бу маънода, манипуляцияни ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос функцияси сифатида кўрар эканмиз, унинг янгиланган актуал амалий жиҳатларига диққат қилган ҳолда, манипуляциянинг тарихий шакллари, универсал қонуниятларини тушунишга, уни объектив баҳолаш имкониятига эга бўламиз. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу мавзу доирасида инсониятнинг тарихий тараққиёти жараёнида манипуляциянинг трансформация бўлишига ҳамда унинг эркинлик тушунчаси, ҳокимият билан ўзаро боғлиқлик томонларига диққат қаратамиз.

Маълумки, анъанавий жамиятлар учун мифологик ва диний дунёқараш шакллари идеология, яъни мафкура вазифасини бажарган. Бу маънода идеология ва дунёқараш тушунчалари ўзаро чамбарчас боғлиқ. Дунёқараш кенг маънодаги истилоҳ бўлиб, у асосий, доминант ғояларни мужассамлаштиради. Масалан, антик давр учун космоцентрик, ўрта асрлар учун эса теоцентрик ғоялар доминант саналган. Ушбу тарихий дунёқараш турининг иккала тури ҳам оламнинг умумий тартиботи ҳамда қисмининг бутунга бўйсунуши ғоясини илгари суради. Антик даврдаги оламнинг космик манзараси илоҳий ибтидо ҳақидаги ғояларга ниҳоятда мос келган. Кейинчалик мазкур тотал тасаввур космик тартибот шаклида ижтимоий ҳаётга ҳам ғоят катта таъсир кўрсатади, аниқроқ қилиб айтганда, космик тартибот ҳақидаги тасаввур жамият ҳаётига сингдирилади. Зеро, космос қонунлари жамият қонунларига эманент, дея талқин этиш ҳақиқат саналади. Мисол учун, Платоннинг барча одат ва анъаналарга сўзсиз итоат қилишни назарда тутувчи идеал давлат ҳақидаги ғоялари ҳам ана шу дунёқарашнинг маҳсули ҳисобланади.

Методлар ва ўрганилганлик даражаси. Манипуляция феномени соҳалараро тадқиқот предмети бўлиб, у психология, когниталогия, тафаккур социологияси, жамоатчилик фикри социологияси, сиёсий фанлар каби йўналишларда кенг тадқиқ этилган. Бундай тадқиқотчилар сирасига В.И.Лашкина, Т.Кун, К.Леви-Стросс, В.Г.Богород, Й.М.Бородай, Б.Малиновский, Й.Лотман, Ж.Гелбрейт, Ҳ.Виленский, Ж.Бертинг, Г.Маркузе, Н.Лимнатис, Д.Барнейни

киритиш мумкин. Аммо мазкур феномен фалсафий жиҳатдан кенг ўрганилмаган. Бу борада амалга оширилган кам сонли тадқиқотлар сирасига Кара-Мурза, П.П. Гарифуллин, Э. Л. Дотсенко, С. А. Зелинский, Г. Шиллер, Э. Шостромнинг тадқиқини қайд этиш мумкин.

Тадқиқот олиб бориш давомида тизимлилик, назарий-дедуктив хулоса чиқариш, анализ ва синтез, тарихийлик ва мантиқийлик, қиёсий таҳлил каби илмий-фалсафий тамойиллардан фойдаланилди.

Муҳокама ва натижалар. Замонавий атама сифатида идеология, (мафкура) XIX асрда, фан ижтимоий институт сифатида шаклланиши оқибатида юзага келди. Унга кўра, идеология рационаллашган конструкция, дунёқарашнинг бир қисми бўлган назария дея баҳоланди. Бу ўринда, миф ва диннинг роли қандай, деган ҳақли савол туғилади, албатта. Аксарият ҳолларда ушбу икки ҳодиса идеологиянинг ғўр, кучсиз шакли сифатида талқин этилади [1].

Бизнингча, миф ва дин идеологик функция бажаради. Улар том маънода идеологиянинг барча мезонларига тўғри келади. Масалан, Т. Кун ўз вақтида миф ва диннинг тарихий рационал турларини кўрсатиб ўтади [2]. Т. Кунинг мазкур назарияси натижасида “рационаллик” тушунчасининг ўзи том маънода ўзгарди. Сциентик рационаллик билан бирга, тушунарлилик, тартибланганлик, умумэтироф этилиш, семантик–интерсубъективлик каби характер касб этувчи сциентик бўлмаган рационаллик илгари сурилди. Иррационаллик салбий конатация юкидан халос этилди. Бу ўринда миф ва дин ҳам ўзига хос ички систематик структурага, тартиботга эга бўлганлиги боис, рационал ҳодиса сифатида намоён бўлди. Шу сабаб дин ва мифдаги ижтимоий ҳаётни тартибга солиш ҳақидаги қоидалар, ижтимоий муносабатларнинг рационал тасвирига кўра, уларни идеология сирасига киритиш мумкин.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, инсоният тарихидаги илк манипулятив амалиётларни қадимги қоҳинлар, сеҳргарлар, шаманларнинг фаолияти билан боғлаш мумкин. Қоҳинлик, шаманлик, сеҳргарлик социомаданий феномен сифатида, авваламбор, анимизм, фетишизм ҳамда тотемизм каби ибтидоий диний тасаввурлар билан белгиланади. Чунки ғайритабiiй кучларга мурожаат қилиш, касалликлар, табиий офат, уруш, рад этилган муҳаббат каби ижтимоий муаммолар оқибатида юзага келади.

Ибтидоий жамиятлардаги қоҳинлар, шаманлар, бошқача қилиб айтганда, интеллектуал элита, турли маросимлар, ритуаллар ёрдамида муайян билимни намоёиш этганлар ҳамда шу орқали ўз таъсирларини ўрнатганлар. Улар ғайритабiiй кучлар, худолар олами, сакрал олам элчиси, ўз навбатида, инсонларнинг ҳимоячиси қиёфасини яратганлар. Унга кўра, фақат қоҳин ёки шамангина илоҳиёт хабарларининг талқинчиси, шарҳловчиси саналади. Натижада, кулшлаштириш жараёни турли ибодатхоналарнинг барпо этилиши, ҳимоя воситалари бўлган хайкаллар, туморлар, дуолар вужудга келтирилади. Бу ритуаллар учун эса аҳолидан реал моддий маблағ йиғиб олинади.

Шунингдек, инсон онги диний ритуаллар орқали манипуляция этилади, жамият устидан ижтимоий назорат ўрнатилади. Ўз навбатида, манипуляция қабила ва жамоадаги душманларни, норасмий лидерларни бартараф этишда муҳим ўрин тутди. Айнан ғайритабiiй кучларнинг элчилигига асосланган қоҳинлик ижтимоий институтининг пайдо бўлиши жамоатчилик онгининг манипуляция қилинишининг илк амалиёти сифатида баҳоланади [3].

Ибтидоий инсоннинг кундалик ҳаёти турли ритуал ва афсунларни ўқиш билан белгиланган. Рус тадқиқотчиси В.Г. Богороднинг 1997 йилда эълон қилинган ишларида Россия шимолидаги қадимги халқларнинг кундалик ҳаётда ишлатиладиган афсунлари келтирилади. Унга кўра, қадимги одамлар ов қилганда, дарёдан ўтганда, овқатланганда, уйқу олдидан, никоҳ маросимида ўзига хос афсун дуолардан фойдаланган [4, С.79].

Ушбу мисолга таянган ҳолда, манипуляция жамоатчилик фикрини шакллантиришда, авваламбор, диний мифологик хусусиятдан келиб чиқиб қўлланилганига гувоҳ бўламиз. Бу ўринда миф яратувчилик функциясини бажарган қоҳин ҳамда шаманлар ўз таъсирларини ўрнатиш йўлида илк манипуляторлар ҳисобланади. Чунки манипуляция улар учун ҳокимиятни амалга ошириш воситаси сифатида ҳам намоён бўлади.

Маълумки, ижтимоий институт сифатида ҳокимият кишилиқ жамиятининг барча даврларида ўзига хос кўринишда мавжуд бўлган. Тараққиётнинг дастлабки босқичларида ҳокимият ибтидоий шаклда юзага келган. Аксарият олимлар ибтидоий жамиятларда бошқариш ва тартибга солишда ахборот тақчиллиги бўлганини таъкидлайдилар. Улар архаик жамиятларнинг қариндош-уруғ муносабатларига асосланиш, ташқи муҳитга ёпиқлик, “биз” психологиясининг устунлиги, моддий неъматларнинг тақсимланиши, тенглик каби хусусиятларини санаб ўтадилар.

Бу маънода ҳокимият жамоа томонидан вужудга келтирилади. У дастлаб ўз-ўзини бошқариш тамойили ёрдамида табиий юзага келади. Шу сабаб ҳокимият манбаи қабила, жамоанинг ўзи ҳисобланади. Жамоа ҳаёти учун муҳим бўлган асосий масалалар умумий йиғинларда кўрилган [5].

Жамоа фаолиятидаги раҳбарлик қабила ёки уруғ оқсоқоллари танлови асосида амалга оширилади. Ушбу оқсоқоллар, ўз навбатида, жамоа ичида одат ва анъаналарни яхши билувчи киши сифатида нуфузга эга инсонларни ташкил қилган. Зотан, анъаналар жамоа ҳаётида энг олий кадрият саналган. Конформизм ва консерватизмнинг ижтимоий ҳаётдаги катта аҳамияти ушбу хусусиятлардан келиб чиқади” [6, С. 41].

Қабила бошлиғи лидерлик институтидан ташқари оқсоқоллар йиғинлари ҳам архаик жамиятларнинг ижтимоий ҳаётининг муҳим бўғини ҳисобланган. Илмий тил билан изоҳлаганда, ушбу кенгаш потестар жамоа деб номланади. Қабила, жамоа ижтимоий ҳаётидаги муносабатлар ёзилмаган қонунлар, яъни мифларда қайд этилган меъёрлар асосида тартибга солинган.

Бу маънода жамоанинг маънавий ҳаётига қоҳинлар, шаманлар масъул саналган. Улар мифологик тасаввурлар орқали жамоа аъзоларининг дунёқарашини шакллантирганлар, бошқача қилиб айтганда, манипуляция қилганлар.

Тарихий тадқиқотларга кўра, потестар ҳокимият йўлбошчилик кўринишида мавжуд бўлган. Ушбу турдаги бошқарув муносабатларининг юзага келиши эрампиздан аввалги неолит даврининг 9500 йилларига тўғри келади. Бу жараёнлар овчилик ва чорвачилиқдан деҳқончиликка ўтиш даврларигача давом этади.

Албатта, ушбу турдаги ҳокимият институтсионлашган, ҳуқуқий, ахлоқий, кадриятий меъёрлар билан мустаҳкамланган кўринишда эмас. У ёш ва харизматик хусусиятларга таянган ҳолда амалга оширилган. Мазкур ҳокимият муносабатлари, авваламбор, легитимлик туфайли мавжуд бўлган. Унга кўра, жамоа йўлбошчи лидерга ўз хоҳишига мувофиқ бўйсунди ва эргашади. Айнан легитимлик ҳокимият муносабатларида субъект ва объект қиёфаси юзага келади. Жамоа ўзини бўйсундиш объекти сифатида қабул қилишга, психологик ҳамда ахборот жиҳатдан бошқарилишига имкон беради. Бу ҳол, ўз навбатида, жамоани манипуляция этишга, унинг турли воситаларини кашф қилишга замин яратади.

Вақт ўтиб бориши натижасида жамиятда ижтимоий иерархия пайдо бўлади. Бу иерархиянинг субъектлари ўз статусларидан рози ёки ундан норози қайфиятида бўладилар. Оқибатда, ижтимоий иерархиядан юқорироққа ҳаракатланиш билан бирга мавжуд ҳолатни, статусни сақлаб қолиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, жисмоний куч ҳамда ақли хила каби воситаларни ишлатиш зарурати вужудга келади. Ўз навбатида, ушбу воситалар манипуляцияга йўл очади.

Архаик жамиятлар шароитида миф ва дин идеология сифатида аподиктик ҳақиқат, бошқача қилиб айтганда, сўзсиз бажарилиши шарт бўлган, мутлоқ ҳақиқат мақомида бўлади. У турли анъана, одат, маросимлар орқали амалга оширилади. Бу маънода анъаналар муайян ҳудудга хос бўлган одатларни эмас, балки олам тартиботининг имманент принципларини тушунишга ёрдам берувчи илоҳий билимларнинг йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Чунки инсон ўзининг яралиши сабаби ҳаёт маъносини (Рене Генон) мустақил тушунишга қодир эмас. Фақат танланган олий насаб инсонларгина, аниқроғи, қоҳинлар унга бу маънони тўғри талқин қилиб беришга қодир саналади.

Айнан анъаналарнинг сакрал, сирли хусусиятлари сабаб социал манипуляция тотал характер касб этади. Чунки анъаналарни ўрнатилган тартибда бажармаслик, уларга нисбатан

шубҳанинг уйғониши ҳар қандай жамоанинг ҳамжиҳатлигига хавф солади. Сакрал анъана ва маросимларнинг йўқолиши эса жамоанинг барҳам топишига сабаб бўлади. Шу сабаб анъаналарнинг бажарилиши ўша маданият ва цивилизациянинг сақланиб қолишида ғоят катта аҳамият касб этади [7, С. 41-42].

К. Леви-Стросс анъаналар ёрдамида манипуляция қилиш “тотал тафаккур”ни шакллантиришини таъкидлаб ўтади. Ушбу мулоҳазаларга кўра, “Анъана ва маросимларни бажармаслик салбий баҳолаиб, у ўрнатилган тартиблар, қонун-қоидаларга нописандликни англатади. Маросимларни бажаришдан бош тортган кишилар иккиюзламачи ёки беқарор, ишониб бўлмайдиган шахс сифатида баҳоланади” [8, С. 10].

Инсоният тарихий ривожланиши босқичларида ҳокимият муносабатларининг вужудга келиши табиийки, ижтимоий манипуляциянинг ҳам юзага келишига сабаб бўлган. Чунки айнан ушбу даврларда жамоатчилик онгини шакллантириш, уни манипуляция қилишга имкон яралади. Инсоннинг табиатдан ажралиши унинг бошқа субъектлар билан бирга ривожланиши тараққиётда янги сифат касб этганлигини англатади.

Кейинчалик монарх бошчилигидаги давлат шаклининг пайдо бўлиши диндан мафкура сифатида фойдаланишга, уни омма бошқарувида самарали инструмент тарзида қўллашга имкон берди. Шунинг билан бирга, дунёқарашнинг кенг кўламда, кескин ўзгариши хавfli оқибатларга олиб келишини англаган ҳолда уни ўзига хос тарзда трансформация қилиш, шарҳлаш, янгилаш жараёнлари кузатилди. Оқибатда анъанавий жамиятларга хос бўлган диний-мафкуравий доктриналар юзага келтирилди. Масалан, насронийлик, ислом ва яхудийлик динлари нафақат эътиқод шакли, балки манипулятив восита сифатида ҳам тарғиб этилди.

“Давлат”, “ҳукмдор”, “мафкура” тушунчаларининг ўзаро алоқадорлиги ҳамда мутлоқ ҳокимиятга эга бўлиш подшоҳ ва қироллардан ўз ҳокимиятини илоҳийлаштиришни талаб этади. Бу жараён Хамураппи давридан бугунги кунгача у ёки, бу кўринишда давом этмоқда. Айниқса, тарихий ҳукмдорларнинг барчаси ўз ҳокимиятига Худонинг иродаси билан эга бўлганлигини таъкидлаб ўтишган. Ҳатто бугунги кунда ҳам аксарият мамлакатларнинг давлат раҳбарлари ўз лавозимларига киришишдан аввал социомаданий муҳитдан келиб чиққан ҳолда, “Библия” ёки “Қуръон”га қўл қўйиб қасамёд қиладилар.

Жамоатчилик онгини манипуляция қилиш, биринчи навбатда, мифологик диний дунёқарашнинг шаклланиши билан чамбарчас боғлиқ. М. Фуко динни жамиятдаги қадрий меъёрий стандартларни шакллантирувчи идеология эканлигини таъкидлайди.

Шу билан бирга, юқорида айтиб ўтилганидек, космоцентриқ дунёқараш олам тартиботини қисмининг бутунга боғлиқ эканлиги ғоясини илгари суради. Ушбу космик тоталлик диний мифологик кўринишда ижтимоий ҳаётга ҳам кўчирилади. Манипуляция сакрал характерга эга бўлган анъаналар ва маросимлар ёрдамида амалга оширилади. Бу маънода ижтимоий ҳаётнинг аксарий соҳалари, айниқса, маънавий ҳаёт конформизм ва консервативлик билан ажралиб туради. Ҳар қандай кўринишда анъана ва қадриятларга итоат этмаслик қаттиқ жазоланган.

Бу маънода, эътиқод шакли сифатидаги миф ва дин ҳамда уларнинг мафкуравий манипулятив жиҳатларини ўзаро фарқлаб олиш лозим. Мафкура шаклидаги миф ва дин рағбат ва жазолаш, тотал ҳокимият ўч олиш каби хусусиятларни намоён этади. У эзгулик ва ҳақиқат йўлида зўравонлик, қотиллик қилишни оқлайди. Унга кўра, “асл манба”га қайтиш тамойили эски анъана ва маросимларни янгилаш, уларга қатъий бўйсуншни таъминлашни англатади. “Худонинг иродаси” каби “принциплар” билан детерминлашган мотивлар инсон хатти-ҳаракатини бошқариш, унинг хулқ-атворини шакллантиришни назарда тутаяди.

Диний концептуал доктриналарнинг ритуаллашган фаолиятига кўра, бу олам турли рамз, белги ва аломатларга тўла. Бироқ, айнан ана шу ўзига хос рамз ва аломатларни тўғри талқин қилиш ғояси жамоатчиликнинг онгини манипуляция этиш механизми саналади.

Анъанавий жамиятнинг мафкураси тоталитар характерга эга бўлиб, у ўз навбатида, тотал тафаккурни юзага келтиради. Бу ўринда К. Попер айнан мазкур жамиятларнинг ёпиқлик хусусиятига ҳам диққат қаратади. Унга кўра, ушбу жамиятлар репрессив бўлиб, барча учун

тайёр хулқ-атвор стереотипларни, хатти-ҳаракат намуналарини, олам ҳақидаги тасаввурларни ишлаб чиқади. Бироқ, шунга қарамай, айрим диний байрам ва сайлларда нисбатан эркинликка ҳам имкон берилади. Бу эркинлик қонун-қоидалардан, ижтимоий меъёрлардан, таъқиқлардан чекиниш, илоҳиёт билан қўшилиш сифатида талқин этилади [8, С. 447].

XX аср инсоният тарихида ўзига хос давр саналади. У сиёсий ва иқтисодий истиқболларни белгилаб берувчи, жамият структурасининг бутунлай трансформация қилишига сабаб бўлган буюк техник кашфиётлар, сиёсий ўзгаришларни интеллектуал ҳамда маънавий соҳада тубдан янгиланиш, модернизациялашишни ўз ичига олади. XVIII асрдан бошланиб XX асрнинг қарийб ўрталаригача бўлган бу даврни тадқиқотчилар модернизациялашув даври деб атайдилар. Бозор иқтисодиётига асосланган индустриал жамият шароитида социал манипуляция феномени ўзига хос тарзда намоён бўлади. Фан технологияларининг тараққий этиши, урбанизация таъсири, саноатлашиш, бюрократиянинг янада рационаллашиши, бошқарувнинг марказлашиши манипуляция феноменини ўзига хос сифат босқичига олиб чиқди [9]. Саноатлашиш оқибатида оддий кундалик буюмларидан тортиб, ноёб маҳсулотларгача оммавий тарзда, муайян стандарт асосида ишлаб чиқиш, истеъмол маданиятининг стандартлашишига, маълум қолипга тушишини тақозо этади. Иқтисодий соҳада оммавий ишлаб чиқариш ҳамда иерархик ташкилланган бюрократия манипуляцияни амалга оширишга имкон берувчи стандартлашган, бир хил қоидаларни яратади.

Саноатлашган жамиятда оммавий истеъмол маданиятининг юзага келишига “фаровон жамият” ҳақидаги тасаввурларнинг сингдирилиши сабаб бўлади. Унга кўра, давлат энг кам иш хақи, бепул таълим, тиббий хизмат, уй-жой, озиқ-овқат маҳсулотларини кафолатлайди. Эндиликда мазкур неъматлар қандайдир қарор ёки ҳукмдорнинг шунчаки саховати эмас, балки давлат фуқароларининг элементар ҳуқуқлари сифатида акс этади [10, Р. 1].

“Умумий фаровонлик” ғояси остида юзага келган жараёнлар натижасида оммавий истеъмол юқори даражада стандартлашди, оқибатда дидлар, дунёқараш, тафаккурлаш унификациялашди, бир хил стереотиплар кишилар онгини эгаллади” [10, Р. 1]. Маҳсулот ва хизмат кўрсатишнинг оммалашиши натижасида ижтимоий манипуляция анъанавий жамиятда намоён бўлганидан бир неча баробар реал, сезиларли шаклга киради.

Шу билан бирга оммавий истеъмол шароитида манипуляциянинг технологик жиҳатлари саноатлашиш асносида “буюртма”, “талаб”, “таклиф” каби иқтисодий атамалар билан айнанлашиб кетади. Пировардида, манипуляция товар-пул муносабатлари технологиясига айланади. Бошқача қилиб айтганда, манипуляция рекламалар, пиар технологиялар шаклида намоён бўлади.

Бундан ташқари жамиятда қадриятлар тизими кескин ўзгаради: оламнинг сирли, сакраллиги ҳақидаги тасаввурлар барҳам топади, инсон яхлит космос тартиботидан, аниқроғи, Худодан ажратилиб, тўлақонли мустақил, индивидуал шахсга айланади, диний қадриятлар ўрнини дунёвий қадриятлар эгаллайди. Замонавий жамиятнинг “муқаддас китоби”га инсон ҳуқуқлари, шахс эркинлиги, қонун олдида барчанинг тенглиги, индивидуаллик, индивидуал масъулият, фуқаролик тамойилларига асосланган ҳамжиҳатлик каби қадриятлар битилади [11, Р. 7].

Саноатлашган жамиятнинг яна бир муҳим жиҳати рационаллашиш ва прагматик тафаккурнинг ғоят кенг тарқалиши ҳисобланади. Унга кўра, пул ёки фойда инсонларни ўзаро интеграциялашнинг асосий механизмига айланади. Бозор иқтисодиёти қонунларига асосланган муносабатларда кишилар ўзаро фойда, тенглик ҳамда айирбошлаш тамойилига кўра фаолиятга киришади. Мазкур муносабатлар доирасида “бошқа инсон” тушунчаси муайян товар ёки хизматларнинг ташувчиси сифатида қабул қилинади, ўзаро мулоқотлар маълум қоида, шаблонлар асосида ўрнатилади, анъанавий жамиятларда бўлганидек, биродарлик, дўстлик каби яқин муносабатлар фақат тор доиралардагина амалга ошади. Оқибатда, ушбу жараёнлар индивидуализмнинг ортишига, аномия ҳолатининг кўпайишига, коммунитарик, бошқача қилиб айтганда, соледарлик, ҳамжиҳатликнинг йўқолиб боришига, бегоналашувга олиб келади [12, Р. 108-112].

Юқорида тилга олинган жиҳатлар, хусусан, социал ҳаётнинг барча соҳалари модернизациялашаётган саноатлашган жамиятда манипуляциянинг қандай қилиб амалга оширилишини тушунишга имкон беради. Шунингдек, жамият соҳаларининг тотал маъмурлашиши, аҳоли бўш вақтини оммавий маданият ёрдамида бошқариш, ижтимоий тараққиётнинг омбивалентлигига, (иккиёқламалигига) нисбатан бегоналашув реакцияси каби омиллар ижтимоий манипуляцияни оммавий маданиятнинг бир қисмига айлантиради.

XX асрнинг 30 йилларига келиб, саноатлашиш натижасида вужудга келган социал реаллик сезиларли аҳамият касб этар экан, Америка “танқидий назарийчилари” мактаби вакиллари Г. Маркузи, Т. Адорна, М. Хоркхаймер ва бошқа файласуфлар саноатлашган жамиятдаги тотал маъмуриликни танқид қиладилар. Унга кўра, мазкур жамиятдаги инструментал рационализм объектни ижтимоий функционаллашиш тамойилига асосланиб, ўрнатилган ҳамда рад этиб бўлмайдиган лойиҳалар доирасида шакллантиради. Саноатлашган жамиятнинг социал реаллиги воқелигида Гегелнинг “барча мавжуд нарсалар ақлга мувофиқ” деган ғояси самара бермайди. Зотан, ақл реалликка имманент эмас. Объектив ва универсал ҳақиқатларни излаш билан ҳам боғлиқ эмас, ақл фақат ижтимоий муносабатларнинг воситасигина бўла олади, зеро социал тизимнинг ўзи унинг учун барча муаммоларни ҳал этади [12].

Жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган назорат индивидлар учун муқобил мавжудлик шароитини яратади. Бошқача қилиб айтганда, тизим томонидан сохта эҳтиёжлар ва сохта муаммолар яратилади. Жамият аъзолари учун кўнгил очиш, ҳордиқ чиқариш эҳтиёжи вужудга келтирилади, хулқ-атвор стандартлари рекламалар ёрдамида шакллантирилади, бошқалар яхши кўрган нарсаларни яхши кўриш, бошқалар ёмон кўрган нарсаларни ёмон кўриш каби ёлғон эҳтиёж ва мотивлар яратилади. “Муаммонинг мураккаб жиҳати шундаки, бу каби эҳтиёжлар социал функциявий аҳамиятга эга бўлиб, улар индивиднинг назоратидан ташқарида бўлади...” [13, С. 44].

Шунинг билан биргаликда мазкур эҳтиёжлар орқали манипуляция қилиш жамоатчилик назорати ҳамда ижтимоий тизимнинг функцияларини сақлаб қолиш сифатида қабул қилинади.

Оммавий истеъмол жамиятлари ҳаёт тарзини ўрта статистик даражага келтириш характериға эга бўлиб, кишиларнинг касби, таълим даражаси, ижтимоий келиб чиқишига қарамай, уларнинг стандартлашишини, бир хил қиёфа касб этишини назарда тутди. Оммавий коммуникация воситаларининг, айниқса, оммавий ахборот воситаларининг пайдо бўлиши инсонлардаги турфа хилликнинг йўқолиб боришига, бир турдаги ахборотни истеъмол қилувчи ҳамда бир хил мотивацион стимул олувчи ўзига хос аудитория, оммага айлантиради. Шу сабаб бир хил дунёқараш, дид, хулқ-атвор моделлари, стандарт баҳолаш, танлаш каби ҳодисалар юзага келади. Бу маънода тадқиқотчи олимлар [14] оммавий маданият ва пропаганда технологияларининг ўзаро ўхшаш жиҳатларини келтириб ўтадилар. Унга кўра, пропаганда технологиялари ҳамда оммавий маданият воситаларининг таъсир кўрсатиш механизмлари айнан бўлиб, улар: эмоция, иррационаллик, онг остига таъсир кўрсатиш, шартли рефлексларни бир хил тарангликда ушлаб туришни, авторитаризм руҳида тарбиялашни, ресипиентнинг пассивлигини, ундаги танқидий тафаккурни кучсизлантиришни, турли шиорлар шаклидаги содда, жўн постулатларни илгари суришни, максимал даражада стереотипларни сингдиришни назарда тутди.

Юқоридаги мулоҳазаларни умумлаштириб айтганда, саноатлашган жамиятда манипуляция феномени: эркинлик иллюзияси, дид, дунёқараш, баҳолаш, танлаш каби ҳамда хулқ-атвор моделларини стандартлаштириш асосида амалга оширилади. Саноатлашган жамиятдан фарқли равишда, постсаноатлашган, аниқроғи, ахборотлашган жамиятда манипуляция қуйидагича намоён бўлади.

Тарихий тараққиётнинг замонавий босқичида жамоатчилик онгини манипуляция қилиш ўзига хос тарзда амалга оширилади. У кўп жиҳатдан, “Тармоқли жамият атамаси билан номланувчи замонавий социореалликнинг хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, унинг қонуниятлари орқали амалга ошади” [15, П. 1-34].

Башарти, замонавий жамиятнинг ўзига хос белгиларини концептуал таҳлил этар эканмиз, доминант функцияларнинг турли тармоқлар атрофида ташкилланганига гувоҳ бўламиз. Бу маънода тармоқлар замонавий жамиятнинг янги социал тузилишини ташкил этади. “Тармоқ мантиғи”нинг диффузияси ишлаб чиқиш жараёнларининг оқибатларини, маданият ва ҳокимият фаолиятини том маънода модификациялаштиради. Матрица, ўргимчак тўри, тугун нуқталари каби метафоралардан фойдаланишнинг ўзи “тармоқлашган жамият” ҳақидаги тезисларнинг тўғри эканлигини кўрсатади.

Замонавий жамият, авваламбор, концептуал ва тарихий омиллар билан боғлиқ, турли дискурсларнинг констелляция бўлишини акс эттиради. Шу сабаб, у постмодерн, постсаноатлашган, ахборотлашган ҳамда глобаллашган жамият дея таърифланади.

Ахборотлашган жамият назарияси, биринчи навбатда, саноатлашган иқтисодиёт ва жамиятнинг янги босқичга кўтарилганини кўрсатишни назарда тутаяди. Мазкур ғояни илгари сурувчи назарийчиларнинг фикрича, трансформация куйидаги жараёнларда намоён бўлади:

Хизмат кўрсатиш соҳаларининг кескин ривожланиши;

Ахборот ва билимнинг меҳнат ва капиталдан устун келиши.

Мисол учун, Д. Белл ўзининг “Келаётган постиндустриал жамият” асарида XX асрнинг иккинчи ярмида юз берган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ўзгаришларни таҳлил этади. У, шунингдек, жамоат, ишлаб чиқариш секторларидаги ўзгаришларга, хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланишига, илм-фан, ишлаб чиқаришнинг алоҳида, мустақил бўлишига айланиб бораётганлигига диққат қаратади. “Бу ўринда, айниқса, илм-фан ва маданият алоҳида автоном характерга эга бўлиб боради” [16, С. 49-50].

Турмуш сифатининг кўтарилиши, яшаш ва эркинлик кафолати ахборотлашган жамият кишининг қадриятлар тизимининг том маънода эволюция бўлишига сабаб бўлди. Зотан, ахборотлашган жамият қадриятларининг ўзаги ижтимоий ҳаётнинг гетерогенлигини, партикулярлигини тан олиш ва уни сақлаб қолиш, шунингдек, хилма-хил маданиятларнинг тенг ҳуқуқийлигини, ўзгача фикр, муносабатга нисбатан бағрикенглик, моргиналликни легитимлаштиришдан иборат бўлади. Ушбу маданий хилма-хиллик ғояларини ёқлаш натижасида миллий, этник, ирқий ва гендер фарқларига, қолаверса, озчиликни ташкил этувчи ижтимоий гуруҳларга нисбатан толерант қараш шаклланади. Айнан ахборотлашган жамиятда озчилик гуруҳлар муайян статусга эга бўлиш билан бирга ҳуқуқий субъектларга айланади.

Индустриал жамиятда устун бўлган инсон ҳуқуқлари ва шахс эркинлиги қадрияти ўрнига ахборотлашган жамиятда гендер, ирқий тенглик масаласи долзарб муаммолар сифатида баҳоланади. Постмодерн ўзининг маданий плюреализми оқибатида давлатга нисбатан фуқаролик жамиятининг мустақиллигини таъминлашни назарда тутаяди. Бу маънода эркин уюшмалар, жамоа бирликлари ўзига хос аҳамият касб этади. Ҳаёт тарзини стандартлаштирган индустриал жамиятдан фарқли ўлароқ, постиндустриал жамиятнинг янги парадигмаси барча соҳаларда тармоқлашиш, технологияларнинг узлуксиз модернизациялашишини тақозо этади.

Бу маънода постиндустриал жамият шароитида ижтимоий назорат ҳамда манипуляциянинг қай усулда модификация бўлишини таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Ахборот ижтимоий муносабатларни шакллантирувчи бўлин сифатида намоён бўларкан, у ҳамма учун очик, кенг тарқалган, кундалик ҳаёт тарзига яқинлиги билан социал муносабатларни трансформация этади. Кибермаконнинг шаклланиши, манипуляциянинг вертуал реаллик орқали таъсир қилиш имкониятларини оширади. Шунингдек, ишлаб чиқишнинг демассификацияга ўтиши эҳтиёж ва талабларнинг индивидуаллашишига олиб келади. Боз устига, ОАВ томонидан турли дидларга қаратилган дастур ва эфирларни танлаш имкониятини яратади. Шу боис кибермаконда цензурани ўрнатишнинг ўзи мумкин эмас. Бу ўринда ахборотлашган жамиятда манипуляциянинг тотал аҳамият касб этиши ҳақидаги қарашлар куйидаги омиллар билан асосланади:

биринчидан, ҳокимият функцияси ўзгаради. Анъанавий ва саноатлашган жамиятда ҳокимият жазоловчи ҳамда назорат этувчи роллар билан бирга тартиб-интизом соҳасига жавоб берган. М. Фуконинг “жазолаш технологиясининг метоморфозасида тана концепти”

назарияси ушбу функцияни тушунтиришда қўл келади. Унга кўра, инсон танаси ҳокимиятни амалга оширишда энг қулай манипуляция воситаси саналади. Фуко қамокхоналар, мактаб, фабрикалар, касалхоналар, казармалар фаолиятидаги жазолаш, тартибга солиш, даволаш каби жараёнларни мисол тариқасида келтиради;

замонавий жамиятда эса ҳокимият ижтимоий эмансипация шароитида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ҳокимиятни ўзаро диалогга, инсонпарварликка интилаётган тизим сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Унинг бирёқлама (монологик) табиати ҳамда субъект ва объект муносабатларига асосланган симметрик жиҳатлари барҳам топмоқда.

Ушбу субъект ва объект муносабатлари субъект ва объект муносабатга айланиб бориши, фалсафий парадигмаларнинг ҳам ўзгаришига, хусусан, онг фалсафасидан тил фалсафий парадигмасига ўтишига олиб келади.

Бундан ташқари, ахборотлашган жамият идеологияси саноатлашган жамиятнинг “инсон ҳуқуқлари”, “эркинлик” каби ғояларини сақлаб қолишга интилади. Лекин ушбу тушунчалар абстрактликдан конкретлик хусусиятига ўтиб боради. Масалан, эркин танлаш ҳуқуқи – индивидуаллик ҳамда ўзини ифода этиш ҳуқуқи сифатида акс этади. “Инсон ҳуқуқлари” тушунчаси эса миллий, ёш, этник, диний белгиларга эга бўлган аниқ бир ижтимоий гуруҳ аниқроғи, болалар, кексалар, аёллар, камбағаллар ҳуқуқлари каби мазмун касб этади. Шунингдек, анъанавий жамиятга мутлоқ бегона бўлган: ҳайвонлар ҳуқуқлари, атроф-муҳит ҳуқуқи, табиат ҳуқуқи каби тушунчалар кенг тарғиб этилади [17, С. 134].

Ахборотлашган жамият шароитида манипуляция ижтимоий назоратнинг ўзига хос шакли сифатида социал институтлар ҳамда кундалик ҳаётнинг репрезентацияси билан бир қаторда намоён бўлади. А. Гиденс ўзининг “Ижтимоий ҳаётнинг структураси” асарида “Кундалик ҳаётда амалга ошириладиган, иккинчи даражали деб ҳисобланган одатлар, кадриятлар социал ҳаётнинг асосий фундаменти” эканлигини таъкидлаб ўтади [17, С. 19].

Хулоса. Ҳокимият даражаларга ажратиш, таснифлаш, меъёрлаштириш орқали ўз кучини намоён этади. Ушбу нуқтаи назардан манипуляция том маънода амалга оширилади. Мавжуд рационаллик ёрдамида ҳокимият ушбу тизим доирасида нималар қилиш мумкину нималарни амалга ошириш ман этилиши ҳақида қонун-қоидалар ишлаб чиқади. Тизим аъзоларидан мутаносиб тарзда малака ва мажбуриятлар талаб этилади. Статусларга кўра, таснифлаш, турли даражаларга ажратиш муайян имтиҳонлар, тестлар орқали амалга оширилади. Бу маънода имтиҳонлар меъёрлаштириш, таснифлаш, муайян қолипга солишнинг ўзига хос механизми бўлиб, ўзида манипулятив таъсирни акс эттиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Лашкина В.И. К вопросу о происхождении идеологий. М., 1979.
2. Кун Т. Структура научных революций. М., 2003.
3. Леви-Стросс К. Структурная антропология // Библиотека Гумер. Культурология.иНБ: <http://culture.niv.ru/doc/antropology/stross/OIO.htm> (дата обращения: 07.10.2010).
4. Богород В.Г. Чукчи. Л., 1939. С.79.
5. Бородай Ю.М. От фантазии к реальности (происхождение нравственности). М., 1995.
6. Малиновский Б. Магия. Наука, Религия. М., 1998. С. 41
7. Малиновский Б. Указ. соч. С. 41-42.
8. Лотман Ю. Статьи по семиотике и топологии культуры. Т.1. СПб., 2002. С. 10.
9. Дж. Гелбрейта Новое индустриальное общество. М., 1969 ; Его же. Общество изобилия. М., 1958.
10. Wilensky H. The Welfare State and Equality. Structural and Ideological Roots of Public Expenditures. Los Angeles, 1975. P. 1.
11. Berting J., Heritage A., Challenge A. A Promise. Eburon Delf, 2006. P. 7.
12. Хоркхаймер М., Адорно Т. Диалектика Просвещения. М., 1997.
13. Маркузе Г. Погребальная идеология // Кризис сознания: сборник работ по «философии кризиса». М., 2009. С. 44.

14. Лимнатис Н. Манипулирование: сущность, проявления, пути снятия: философский и i социально-политический анализ. М., 2000.
15. Barney D. The Network Society. PolityPress. Cambridge, 2004. P. 1-34.
16. Белл Д. Указ. соч. С. 49-50.
17. Первушина В.Н., Смородина Е.П. Правосознание и его социокультурные парадигмы. Воронеж, 2010. С. 134.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ЖУРНАЛИ

ЖИЛД 5, СОН 1

ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

ТОМ 5, НОМЕР 1

JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE

VOLUME 5, ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000